

74
11-56

Ш.Р.Махамова,
М.С.Мухитдинова

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА МУСИҚА МЕТОДИКАСИ



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____

№ 1.03.21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Шоҳида Раҳматуллаевна Маҳкамова

Малюҳат Саиджаборовна Мухитдинова

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
МУСИҚА МЕТОДИКАСИ

ТОШКЕНТ – 2019

2142

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Мазкур услубий кўлланмада мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг мусиқа саводи, методикаси ва ритмиканинг асосий масалалари ёритилган. Болаларнинг мусиқавий – иктисодий кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолияти турли усул ва услублар орқали очиб берилган. Ушбу услубий кўлланмада оммавий машгулотларнинг режаси, уларнинг ўтказилиш тартиби, назарий билимлар баёни, иктисодий топириклар, ноталари ҳамда фойдаланиш учун кўшимча материаллар берилган. Намунавий дастур асосида тузилган ушбу услубий кўлланмадан педагогика олий ўқув юртлири ҳамда коллежларнинг ўқитувчилари ва талабалари кенг фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Жаббор Эшимович Усаров

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Педагогика факултети декани педагогика фанлари номзоди доцент

Сурайе Раҳмонбердиева

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети масофавий таълим кафедраси "Мусиқа таълими" йўналиши ўқитувчиси

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий Кенгаши қарорига асосан нашр этишга тавсия этилди 2019-йил 28.11даги № 11/5-сонли байённома асосида

Қарош

Бугунги кунда мусиқа дунёси турли турли услуб ва йўналишларнинг жуда кенг доираси билан намоян бўлди. Тингловчиларда мусиқа санъатининг юқори бадий намуналарини ажрата оладиган, яхши мусиқий дидага эга бўлган тингловчининг тарбиялаш аинқас долларб бўлиб қолимоқда. Шу боис, ёш авлоднинг юксак маънавий эҳтиёжларини ва кўп қиррали бадий қобилиятларини шакллантириш жуда муҳимдир. Бунинг учун болаларни мусиқий ўқитиш ва тарбиялашнинг кундалик амалиётида турли маданиятларнинг бадий мусиқий намуналарини ва албатта, ўз халқининг миллий мусиқасидан фойдаланиш зарур.

Мусиқий таълим-бу турли фаолиятларнинг синтезидир. Мусиқий ривожланиш умумий ривожланишга ўзгармас таъсир кўрсатади: хиссий дунёси фидрилаши шаклланади, санъат ва ҳаётда гўзалликка сезгирлик пайдо бўлади. Фикрат боланинг хис-гуйгуларини, қизиқишлари, дидини ривожлантириб, уни мусиқий маданиятга ошно қилиш ва унда асосини шакллантиришимиз мумкин. Мактабгача ёш даври болаларни мусиқий маданиятини янада ривожлантириш учун жуда муҳимдир.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, илгор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мактабгача таълимнинг инновацион тизимини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида "мактабгача ёшдаги болаларни хар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" каби устувор вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни амалга ошириш мактабгача ёшдаги болаларни давлат талабаларига мувофиқ мусиқий тарбиялаш ва таълим бериш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда тарбияланувчиларнинг мусиқий ижодкорлигини шакллантириш технологияларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш шарулигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, 2016 йил 29 декабрдаги ПК-2707-сон "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПК-1261-сон "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2019 йил 8 майдаги ПК-4312-сон "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари, муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу услубий кўлланма муайян даражада хизмат қилади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУСИҚА МАШГУЛОТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Режа:

1. Мусиқа машгулотининг мақсади.
2. Мусиқа машгулотининг асосий вазифалари.
3. Мусиқа тарбиясининг ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия ва нафосат тарбияси билан боғлиқлиги.

Мақтабгача таълим муассасаларида мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий мақсади боғча ёшдан бошлаб болаларнинг дунёқарашини шакллантириш ҳамда мусиқий дидни ўстириб, болаларга мусиқани ўргатиш жараёнида унда ҳаёт ўз аксини топишни аниқлаштириш. Мусиқа машгулотлари олдинга қўйилган педагогик мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, болаларнинг мусиқий уқуви ва қобилиятларини мунтазам равишда ўстириб бориш лозим. Кичикинтойларнинг мусиқий уқуви ва қобилиятлари куйидаги фаолиятлардан иборат.

-мусиқий уқуви (мусиқий товушлар баланд-пастигини ҳис этиш қобилияти)

-тембр уқуви (мусиқий товушларни бир-биридан фарқ қилиш)
-ритм туйғуси (мусиқага мос ҳаракат бажариш, қадам ташлаш, чапак чалиб мусиқани хотирада саклаб, ҳис этиш ва ифодалаш).

Болаларнинг мусиқий қобилиятлари мусиқа машгулотларнинг барча элементларини амалга ошириш жараёнида мунтазам равишда ривожланиб боради.

Болалар боғчаларида олиб бориладиган мусиқа таълим –тарбиясининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

-кичикинтойларни мусиқага бўлган қизиқишларини ўстириш;

-мусиқий асарлар билан танишиш жараёнида эмоционал ҳис-туйғуларни ҳосил қилиш йўли билан уларнинг мусиқа ҳақидаги тасаввурларини бойитиш;

-болаларни мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш, мусиқа остида ритмик ҳаракатларни бажариш, болалар чоғу асбобларида жўр бўлиш фаолиятлари ёрдамида ижодий қобилиятларини шакллантириб бориш;

-болалар овозини асраб тарбиялаш, қўшиқларни содда, равон, эркин, табиий ва ифодали куйлашга ўргатиш ва одақлантириш;

-мусиқий асарлардан завқ олиши, шу асосда мусиқий лйд ва бадий фикр юритишни ривожлантириш;

-мусиқа машгулотлари жараёнида мусиқий асардаги бадий образларни ўйин ва раск шаклида ифода этишга ўргатиш;

-мусиқа машгулотларида болаларни миллий қадриятларимиз билан таништириш, миллий чоғу созларимиз жўрлигида миллий мусиқий-ритмик қадриятларни бажаришга ўргатиш;

-мусиқа машгулотлари мазмунини боғча ҳаёти билан боғлаш, боғчада ўтказилган тадбирларда ўрганилган куй ва қўшиқлар билан иштирок этиш. Турли орталықлар, концертлар ташкил этиш.

Мусиқа тарбиясининг ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан боғлиқлиги.

Мусиқа машгулотларида болаларда ақлий тарбия ривожланади. Машгулотда қўшиқ куйлаш жараёнида болаларнинг нутқи ўсади, сўзларини ёллаш орқали хотираси, тинглаш орқали диққати, асарларни тахлил қилиш натижасида идрок қилиш, фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Мусиқа тарбияси ахлоқий тарбия билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Мусиқа машгулотида бола тўғри ўтириб асарни тинглаш, куйлаш орқали ўртоқлари орасида ўзини тутишни, мусиқа остида ҳаракат бажарётганида ўртоқларини туртмасдан оралиқда, кетма-кетлик ҳаракатларини ўрганади.

Мусиқа тарбияси жисмоний тарбия билан боғлиқ. Мусиқа остида ҳаракат вақтида болаларнинг қўл-оёқ мускуллари ривожланади. Гавадани тик тутиш малакалари ривожланиб, коматни тўғри ўсишига ёрдам беради. Қўшиқ куйлашда нафасни олиш ва чиқариш натижасида кўкрак қафас диафрагмаси кенгайиб боради. Мусиқа тинглаш даврида болаларни кайфияти кўтарилади.

Юрак иши яхшиланади, асаб системасини тинчлантиради. Рақс ва мусиқий ўйинлар чакконлик ва ҳаракатчанлик малакаларини шакллантириб боради.

Мақтабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган мусиқий таълим, тарбиявий ишлар ёш авлодда олийжаноб фазилатларни боғча ёшдан шакллантиришда нафосат тарбиясининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Мусиқа бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ адабиёт, математика, тарих, мусиқа билимларини ўргатувчи фанлар. Айниқса мусиқий тарбия ишлари тасвирий санъат билан ўзвий равишда боғланган ҳолда амалга оширилади, чуқури болалар кўпроқ кўриб яхши идрок этишади. Турли методлардан фойдаланиб ўлказиладиган ҳар бир мусиқа машгулоти кичикинтойларда бадий-эстетик завқ уйғотади, уларнинг ҳис-туйғуларини шакллантиради. ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириб боради.

Мазунни мустақамлаш учун саволлар:

1. МТМда мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Болаларнинг мусиқий уқув ва қобилиятлари қандай фаолиятлардан иборат?

3. МТМда олиб борилмадиган мусика таълим-тарбиясининг асосий вазифалари нималардан иборат?

4. Мусика кандай фанлар билан чамбарчас боғлиқ?

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МУСИҚАВИЙЛИКНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Режа.

1. Мусиқавийликни тузилиши.

2. Мусиқавийлик хусусиятлари.

3. Умумий ва махсус мусиқавийлик ҳоллари.

4. Мусиқавийлик тузилиши.

Мусиқавийлик факат инсонга хос хусусият бўлиб, жамият амалиёти ривожланиш жараёнида вужудга келган. Инсон- кушлар овози, хайвонлар овозига, табиат товушларига кулоқ солиб, товуш баланглигини чўзимини ва ифодалиликни фарқлашга ўрганган. Ифодалиликни акс эттирувчи воситалар ёрдамида мусиқавий образлар пайдо бўлган.

Болада мусиқавийлик асосан 3 та хусусият асосида ривожланиб боради:

1) **Мусика кайфиятини хис этиш-** мусикадаги образларни тушуниш. Масалан: "кўтрочк касали" асарини эшитиб, хафа бўлиш, "Марш" ни тинглаб, дадил, тетик бўлиш, шўх, кувнок куйдан хурсанд бўлиш.

2) **Мусикани такқослаш-** яъни асарни тинглаб, унинг ифода воситаларини фарқлай билиш. Асардаги динамик белгилар- баланд, паст ижро этилишини, асарни темпини- тез ёки секин ижро этилишини, мусика қисмлари ва тембрларини такқослаш.

3) **Боланинг мусикага ижодий ёндашиши.** Бола мусикани тинглаб, унга ўзича образлар бериши. Бирор-бир шеърга ўзича куй тўқиб ижро этади. кувнок куйга рақс ҳаракати ўйлаб топади. ўйинда айк, қуён, бўри, тулки образларини ифодалайди.

Мусикашунос олим Теллов- умумий ва махсус мусиқавийлик белгиларини ажратади.

Умумий мусиқавийлик белгилари- бу мусикага эмоционал жавоб кайтаришидир. Ҳар бир киши берилган қобилиятдан қатъий назар мусикани тинглайди ва унга эмоционал жавоб кайтаради, кўшикни тинглаб туриб кўшилиб қўйлайди ёки рақсга тушади.

Махсус мусиқавийлик белгилари- бу ички эшитиш қобилияти, яъни табиат инъом этган қобилият.

Болаларда мусиқавийлик 3 та мусиқавий қобилиятни ривожлантириш асосида юзага келади:

1) **Ладни хис этиш қобилияти-** бу мусикани тинглаб, уни кайфиятнинг фарқлаш, ифода томонини аниқлаш. Ладни хис этиш қобилияти болаларда мусика тинглаш вақтида юзага келади.

2) **Товуш баланглигини хис этиш қобилияти-** бу оҳангни эшитиб, сўнг уни товуш билан қўйлаб бериш ва мусика асбобида қўйни чалиш. Бу қобилият асосан қўйлаш вақтида юзага келади.

3) **Ритмни хис этиш қобилияти-** бу мусикада ритмни эшита билишидир. Бу қобилият асосан мусика остида ҳаракат вақтида намоён бўлади.

Мавзунини мустақамлаш учун саволлар:

1. Болаларда мусиқавийлик кандай хусусиятлар асосида ривожланиб боради?

2. Умумий ва махсус мусиқавийлик белгиларини айтинг?

3. Болалардаги 3 та мусиқавий қобилият кандай ривожланади?

Тошширик:

1. Мусика кайфиятини хис этиш учун танланган асарларни ижро етинг.

2. Асарларни ижро этиб мусикани такқосланг.

3. Бирор-бир асрга ижодий ёндашиб ижро этинг.

МУСИҚА МАШГУЛОТИДА МУСИҚА ТИНГЛАШ ФАОЛИЯТИ.

Режа:

1. Мусика тинглаш вазифалари.

2. Турли гуруҳларда мусика тинглашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мусика тинглай билиш ва ундан завқлана олиш ҳам санъат ҳисобланади. Инсонларда мусика тинглаш маданияти ёшликдан шаклланади. МТМда болалар мусика тинглаш кўникмаларига эга бўла борадилар. Кишининг қўйлаш имкониятидан кўра, тинглаш имконияти кенгрок бўлади. Мусика тинглаш қирғоли болаларнинг бадий идрокни ривожланади. Болаларни мусиқий тарбиялашда мусика тинглаш фаолиятига алоҳида эътибор бермок даркор. Ҳар бир боланинг мусика маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда мусика тинглаш кўникмаси муҳим ўрин эгаллайди.

Мусика машгулотларида болаларнинг мусика тинглаш кўникмасини шакллантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: